

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

У.Ахмедова

Умумлашган ҳосила асосида функциялар тригонометрик ёйилмасининг ягоналиги 6

КИМЁ

Г.Рахматова, М.Курбанов, М.Рузибоев

1-тиаиндан, 1-тиохроман ва уларнинг ҳосилаларини диациллаш реакцияларини ўрганиш ва синтезлаш 11

Ф.Юсупов, А.Кўчаров, М.Маманазаров, С.Халилов, Р.Тошбобоева

Қўнғир кўмирни бойитишга турли факторларнинг таъсирини ўрганиш, физик-механик параметрларни ва турли шароитларга бардошлилигини аниқлаш 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

З.Жабборов, И.Мамажанов

Саноат ифлосланиши экологияси 20

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.Ҳакимов, Ш.Зулфикаров, А.Абдумаликов

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари 26

М.Назаров

Илмий-техник ижодиётда шубҳа тамойили ва танқидий қараш 33

Ш.Аббосова

Янгиланаётган Ўзбекистон, жамиятнинг демократлашуви ва шахс эркинлиги 37

Б.Ғаниев

Ўзбекистондаги трансформацион жараёнлар даврида тадбиркорлик масаласини илмий-методологик ва фалсафий тадқиқ этиш зарурати 41

ТАРИХ

У.Абдуллаев, М.Ғозиев

Фарғона водийси халқларида от билан боғлиқ эътиқодий қарашлар 45

Э.Ғуломов

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг шаклланиши (1991-2000 йиллар) 49

Ў.Хошимов

Олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар (Фарғона водийси вилоятлари мисолида) 55

Н.Кенжаева

XX асрнинг 30-йилларида Помир ва унга туташ минтақаларда амалга оширилган илмий экспедицияларнинг комплекс тадқиқот фаолиятига доир: аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари 60

С.Рахматуллаева

Фарғона водийсида экологик вазиятнинг оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан айрим мулоҳазалар (1950-1994 йиллар мисолида) 66

О.Кличев

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларда совға алмашинув тартиблари 70

О.Пуговкина

Устоз ва унинг шогирди: В.В. Бартольд ва Н.С.Ликошин 74

Г.Рахимова

Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналарининг экологик ҳолатга салбий таъсири 79

УДК: 323+340+340.11

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ЖАМИЯТНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ВА ШАХС ЭРКИНЛИГИ

ОБНОВЛЯЮЩИЙСЯ УЗБЕКИСТАН: ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ ОБЩЕСТВА И СВОБОДА ЛИЧНОСТИ

UPDATED UZBEKISTAN, DEMOCRATIZATION OF SOCIETY AND INDIVIDUAL FREEDOM

Ш.Аббосова¹¹ Ш.Аббосова

— Фарғона давлат университети ўқитувчиси.

Аннотация

Мақола, ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири - жамият тараққиётидаги демократлашуве муаммоларига бағишланган. Ана шундай шароитда, Ўзбекистонда шахс эркинлигини таъминлаш борасидаги масалаларга асосий эътибор қаратилган ва бу борадаги айрим мунозарали ҳолатлар ёритиб берилган.

Аннотация

Статья посвящена одной из актуальных тем современности – проблеме демократизации в процессе развития общества. В этих условиях основное внимание уделяется вопросам обеспечения свободы личности в Узбекистане – освещены также некоторые спорные ситуации в этом направлении.

Annotation

The article is devoted to one of the topical issues of our time – the problems of democratization in the development of society. In this context, the main attention is paid to the issues of ensuring individual freedom in Uzbekistan and some controversial situations in this direction are highlighted.

Таянч сўз ва иборалар: жамият, демократлашув, ҳуқуқий демократик давлат, шахс эркинлиги, эркин фуқаролик жамияти, манфаатлар плюрализми, Авесто, инсон манфаатлари, эркинлик, адолат, тенглик, инсонпарварлик.

Ключевые слова и выражения: общество, демократизация, правовое демократическое государство, свобода личности, свободное гражданское общество, плюрализм интересов, интересы человека, свобода, справедливость, равенство, гуманизм.

Keywords and expression: society, democratization, legal democratic state, individual freedom, free civil society, pluralism of interests, human interests, freedom, justice, equality, humanism.

Жамиятнинг демократлашуви шароитида амалга ошириладиган янгиланиш жараёнларининг ўз ижросини топиши амалда ҳар бир шахс ва фуқарода, аввало, мавжуд ҳуқуқ ва қонун нормаларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан боғлиқ. Айнан демократия шароитида қонуннинг устуворлигини ҳаётий заруратга айлантириш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фанлар наздида жамиятни демократлаштириш муаммоларининг назарий асосларини фалсафий таҳлил қилиш талаб этилади. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий тизимни ислоҳ этиш ва бу борада мавжуд муаммоларни ўрганиш зарурати орқали жамиятни демократлаштириш жараёнида шахс эркинлигини муҳим омил сифатидаги аҳамиятини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий

таълим-тарбия воситалари, усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий муаммоларни чуқур ва батафсил ўрганишдан иборатдир.

Таъкидлаш ўринлики, янгиланаётган Ўзбекистонда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида фуқаролик жамияти қуриш асослари мустаҳкамланиб боргани сари ижтимоий адолат, ҳуқуқий тенглик, инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш бирламчи концептуал вазифа сифатида олинмоқда. Бу инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, адолатли, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш тўғрисидаги орзу-умидларини руёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган зарурат ва вазифадир. Ушбу вазифа негизида давлат бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида шахс эркинлиги ва ҳуқуқий

маданиятини такомиллаштиришга бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар негизида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, манфаатлар плюрализмига асосланган, ҳар бир шахснинг қобилияти, эҳтиёжи ва манфаатлари учун зарур шарт шароитлар яратадиган жамият барпо этиш мақсади ётади. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек: “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак” [1;114].

Эътибор қиладиган бўлсак, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавияти ва эркинлигини тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, муқаддас анъаналаримизнинг абадий сақланиши, энг муҳими, миллат тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Бундай шароитда ўз эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил тарзда ёндоша оладиган, айтиш чоғда шахсий манфаатларини миллат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди. Булар, аввало, аҳолининг интеллектуал салоҳияти имкониятларини очиш орқали уларнинг фикр эркинликларини таъминлаш, миллатнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини кучайтириш асосида шарқона демократия тамойиллар ривожини миллий қадриятлар асосида уйғунлаштириш, шахс камолоти шаклланишига ижобий таъсир этувчи институтлар фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Аммо бундай устувор вазифалар, шубҳасиз, бир зумда амалга ошадиган жараён эмас. Шу жиҳатдан, мамлакатимизни

модернизация қилиш ва эркинлаштириш, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий тизимни янгилаш вазифаси негизида миллат тафаккурини, ҳуқуқий онги ва маданиятини такомиллаштириб бориш зарурий талабларга айланмоқда. Бу эса айтиш дамда, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали жамиятни демократлаштириш жараёнида шахс эркинлигининг роли ва таъсирини тадқиқ этиб боришни кун тартибига қўймоқда. Маълумки, шахс эркинлиги назарий асосларини таъминлаш, адолатли – эркин жамият қуриш ва фалсафий жиҳатдан эркинлик, эзгулик, адолат мезонларига дахлдор бўлган қарашлар қадимдан Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари асарларида ривожлантирилиб келинган. Бу борада тасаввуф фалсафасининг ёрқин намаёндалари Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор, Баҳоуддин Нақшбанд кабиларнинг инсон эркинлиги, ахлоқи, эзгулик ва адолат тўғрисидаги ижтимоий-ахлоқий қарашлари ёрқин манба бўла олади. Айтиш лозимки, ғарб халқлари ҳам бу борада улкан меросга эга. Демократик тамойиллар ривожланиши муносабатида шахс эркинлигининг муҳим омил сифатидаги муаммоларини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар, турли адабиётлар, қадимги юнон мутафаккирлари Суқрот, Арасту, Афлотун каби мутафаккирлар томонидан ўрганилган. Кейинчалик эса Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ж.Руссо, И.Кант, А.Шопенгауэр, Ф.Ницше, Э.Фромм, Н.Бердяев, М.Вебер, А.Камю, К.Поппер, Д.Хеффелар илмий меросида давлат бошқарувида эркинлик, эркин фикрлилик, эзгулик ва адолат мезонларининг назарий асослари ишлаб чиқилган ва кенг маънода ривожлантирилган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш борасида шахс эркинлиги таъсир доирасини ўрганишга қаратилган, айтиш пайтда халқимиз тарихи билан боғлиқ бўлган фожиалар оқибатидан сабоқ чиқаришга мойил бўлган асарлар яратилдики, улар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ўзликни англаш туйғуси, диний, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни ижтимоий турмушимизнинг барча жабҳаларига сингдиришда назарий дастур бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Айтиш маънода, Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг миллий давлатчилигимиз маънавий-ахлоқий

асосларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида мақсад қилиб олгани ҳолда барча ислохотлар мезонини инсон манфаатлари, эркинлик, адолат, тенглик, инсонпарварлик каби қадриятлар ташкил этишини алоҳида уқтириб келишаётганлиги бежиз эмас. Худди шу боис бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан ҳам ушбу муаммога янгиланаётган Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада самарали амалга оширишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, ўз пайтида Гегель ёзган эди: “Биз агар кишилар ҳатти-ҳаракатини яқиндан ўрганадиган бўлсак, уларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва қизиқишлари бу ҳаёт саҳнасида асосий жунбушга келтирувчи куч эканлигини, фақат шуларгина асосий роль ўйнашини кўрамиз” [2;20].

Тарихан қараганда халқимизда жамиятни демократлаштириш муносабатида шахс эркинлигини таъминлаш масаласида Ғарб ва Шарқдаги қарашларда умумийликдан ташқари муайян тафовутлар ҳам бор. Гап шундаки, Ғарб демократиясида ушбу масалада ҳуқуқий қонунларга суянган ҳолда иш кўрилади. Яъни, индивидуал шахс ва жамият эркинлиги масаласи қонунга мувофиқ тарзда тартибга солиниши устивор ҳисобланади.

Бироқ, аслида реал ижтимоий ҳаётда эса юзага келадиган барча муаммоларга, ҳодиса ва ҳолатларга ҳуқуқий меъёрларга асосланган қонунлардан жавоб топиш қийин. Худди шу боис бундай муаммоли вазиятларга шарқда асрлар мобайнида синовдан ўтган дунёвий ва диний, ахлоқий ва маънавий қадриятлар доирасида шаклланган шахс эркинлиги тушунчаси қўл келади.

Бунда, аввало, шарқона демократия тамойилларининг устиворлиги тушунилади ва назарда тутилади. Лекин шахс ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори, жамиятдаги ўрни, масъулиятини идрок этиш ҳолатларига баҳо берилганда муайян гуруҳ, этнос, халқ, миллат, жамиятнинг манфаатлари, ҳуқуқларига алоҳида қадриятлар, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ёндошилади. Айни маънода, жамиятни демократлаштириш жараёни бу ҳар икки омилдан уйғун ҳолда фойдаланиш эркинликни ва ўз қадр-қимматини, инсоний гурурини барча нарсдан устун қўядиган

курашчан шахс шаклланишининг кафолатидир. Ҳақиқатан ҳам бу омиллар шахс шаклланишининг асосий жиҳатларини ташкил этади.

Бироқ бунда шахснинг жамият тараққиётидаги амалий фаолиятини эътиборга оладиган бўлсак, шахс ўз фаолияти натижасида жамият тараққиётини олдинга ёки таназзулга қараб боришига сабаб бўлиши мумкин. Бунга тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган тарихий шахслар фаолияти мисол бўла олади. Жумладан, Чингизхон, Сталин, Гитлер, каби шахсларнинг давлат ва жамият бошқаруви фаолиятида ахлоқий тамойилларнинг устувор эмаслиги ўзлари яратган давлатнинг охир оқибатда таназзулга юз тутишига сабаб бўлди.

Ғарб кўпроқ алоҳида шахс эркинлиги ғоясига таяниб, унга устувор қоида сифатида қараб келган бўлса, шарқда эса, шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари жамоада мавжуд тартиботлар, қадриятлар, анъаналар билан уйғунлашиб кетган. Шахс эркинлигини эътироф этиш, унинг жамиятдан ташқарида эканлигини билдирмайди. Бу жараён шахс ва жамият уйғунлигида намоён бўлади. Халқимизнинг эркинлик билан боғлиқ хоҳиш-истаги, дунёқараши эраимиздан олдинги зардуштийлик динига бориб тақалади. “Авесто”да илгари сурилган ғоялар, бугун миллий ғоямизнинг бош йўналиши адолатпарвар, демократик давлат барпо этиш вазифалари билан ҳамоҳанг. Айниқса, ундаги “Эзгу ният, эзгу фикр, эзгу амал” деган тамойил умуман эркинлик, хусусан шахс эркинлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шарқ илоҳиёти ва фалсафий таълимотларида эркинлик тушунчасига ёндашувларда ўзига хослик мавжуд. Яъни инсон, комил инсон, мусулмон ёки буддавий тушунчалари орқали шахс эркинлиги англанилган. Тасаввуф фалсафасида бойишга интилиш, адолатсизлик, зўравонлик каби ижтимоий иллатларни қораловчи, инсонларнинг Худо олдидаги тенглиги, олий ибтидони англаш даражасидаги эркинликка доир ақидалар илгари сурилади. Шарқ фалсафасининг муҳим жиҳатларидан бири «меъёр» тушунчасига катта аҳамият берилишидир. Аслида демократия – меъёрга асосланган сиёсий маданиятдир. Бу меъёр ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва тинчлик ўртасида бўлган мувозанатни ҳам англатади. Ўзбекистон

барча ривожланган дунёвий давлатлар қаторида жамиятни демократлаштириш жараёнида эркин ҳамда адолатпарвар, дунёвий давлат қуриш концепциясини илгари сурмоқда. Ушбу концепция негизида фуқаролик жамияти шаклланишига кенг йўл очиш ва мамлакатда шахс эркинлигини қарор топтириш омиллари ўз ифодасини топган. Таъкидлаш лозимки, жамиятни демократлаштиришга оид ислохотларни тадрижий равишда олиб бориш жараёнида жамиятда ҳукмрон бўлган қонун-қоидалар, ҳуқуқий ҳужжатлар муайян ахлоқий қоидалар ва диний қадриятлар тизимига, инсон манфаатларига хизмат қилган чоғдагина ҳақиқий эркинлик юзага келади. Эркинликнинг ахлоқий меъёр сифатидаги асосий вазифаси шахслараро юзага келадиган ихтилофларни бартараф этиш йўллари аниқлаш, томонлар учун мақбул бўлган ижтимоий шароитларни белгилашдан иборат. Жамиятни демократлаштириш жараёнида эркинлик шахс ижтимоий фаолиятининг ахлоқий мезони бўлиб, жамиятнинг барқарор ривожини таъминлаб берувчи омил сифатида намоён бўлади. Шахс ёхуд жамиятнинг маълум бир аъзоси ўз эркинлик қобилиятини миллий, дунёвий ва диний қадриятлар негизида ахлоққа боғлаши жамиятнинг истиқбол имкониятларини кенгайтиришга олиб келади. Шу маънода эркинлик тараққиётнинг зидди эмас, балки унинг негизи бўлиб, жамиятнинг ривожланиш ва юксалиш жараёнларида фавқулдда аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017.
2. Гегель. Собр.соч. –Т.8. – М.: Мысль, 1957.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. -3-том. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2019.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор.)